O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 14 FEVRAL ◆ PAYSHANBA ◆ №20 (26.879)

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 29 январда Чиноз туманида пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирадиган Ўзбек-Турк-Япон инвестициялари иштирокидаги қўшма корхонани бунёд этиш тўғрисида қарор қабул қилганди. Бу муҳим лойиҳа жуда қисқа муддатда амалга оширилди.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

ЧИНОЗ МЎЪЖИЗАСИ



Ҳозирда умумий саҳни 22 минг квадрат метрни эгаллаган корхонада Японияннинг «СМН Ҳова», «МПМ-10», «Тойота», «Мурата», «Отори Тручлер» каби компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий технология ва дастгоҳлар билан бир қаторда АҚШнинг «Вангард» фирмасида ишлаб чиқарилган, юксак унумли тўқимачилик машиналарини чинозлик йигит-қизлар моҳирона бошқаришмоқда.

— Корхона икки асосий мажмуа — йигирув ҳамда тўқув майдонларидан иборат, — дейди унинг раҳбари Лами Аралп. — Бу мажмуаларда пахта толаси тозаланиб, титиш, тароқлаш, пиликлаш, йигириш, ўраш, қисқаси, тайёр мато ҳолига келгунга қадар бўладиган барча жараёнлар бажарилади. Кунига 17 тонна ип-калава, 8 минг килограмм трикотаж мато ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бир йилда 5300 тонна ип-калава, 2500 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонанинг иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа вақт мобайнида 1500 тонна ип-калава ҳамда 12 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқарилиб, илк намуналари Италия, Франция, Туркия, Юнонистон сингари хорижий давлатларга жўнатилди. Ипкалаванинг 1000 тоннаси хорижга экспорт қилиниб, 1 миллион 900 минг АҚШ долларига сотилди.

Корхонада ўрнатилган Германиянинг «ЛТЖ» фирмаси ускуналари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини янада оширади. Хуллас, Ўрта Осиёда, қолаверса ҳамдўстлик мамлакатларида ягона бўлган бу корхонанинг келажаги порлоқ.

— Бу сингари қўшма корхоналар Марказий Осиёда фақат Ўзбекистондагина барпо қилинмоқда, — дейди Японияннинг «Мицубиси корпорейшн» компанияси Марказий Осиё давлатларида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича вакили Тошиюки Цугэ. — Боиси Ўзбекистон пахтаси жаҳон бозорида сифат жиҳатидан қадрланади.

Ҳа, Чиноздаги бу корхонани том маънода мўъжизага қиёслаш мумкин. Чунки унинг ўзи ҳам, маҳсулоти ҳам жаҳоннинг манаман деган ишбилармонларини ҳайратга солаяпти. Биз эса бундай қўшма корхоналар истиқлолимиз мевалари эканлигидан фахрланамиз.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ**

ШАРҚ МУСИҚАЛАРИ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Париждан хушхабар келди: Франция Халқаро радиосининг (ФХР) мусиқали ишлаб чиқариш дирекцияси ўтган йилнинг августида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» учинчи мусиқа фестивалига бағишланган мусиқали радиоэшиттиришни тайёрлаш ўз ниҳоясига етказилганини маълум қилди.

Таъкидлаш жоизки, Франция Халқаро радиоси вакилларининг ушбу халқаро маданий форумдаги иштироки якуни ўлароқ, «Самарқандда Шарқ мусиқалари» номли мусиқали диск 1000 нусхада чиқарилди. «Шарқ тароналари» учинчи мусиқа фестивалини ФХР дунёнинг турли мамлакатларидаги 700 ҳамкор радиостанцияларига тарқатган эди.

Эътибор сазовор жиҳати шундаки, ҳар бир дискка ашулаларнинг француз, инглиз, испан ва португал тилларида ёзилган махсус каталоги илова қилинган. Унда Самарқанд фестивалининг қисқача тарихи ва қўшиқларга айрим изоҳлар берилган.

Янги мусиқали дискка Ўзбекистон, Грузия, Россия, Озарбойжон, Қирғизистон, Италия, Туркия ва Жазоир каби мамлакатларнинг санъаткорлари ижросидаги 14 та куй-қўшиқ киритилган.

■ **«Жаҳон» АА**

АНЖУМАН

ҲАММА ЯХШИ КИЙИМЛАР — БОЛАЛАРГА

Ким жажжи фарзанди ёки неварасини чиройли, бежирим кийинтиргиси келмайди дейсиз. Шунинг учун болаларга мос, пишиқ-пухта, экологик тоза матолардан тикилган кийим-кечаклар танлаш ва топиш катталарга доимий ташвиш ҳисобланади.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг кўргазмалар залида кеча бўлиб ўтган «Болажонлар — ширинтойлар» республика мода фестивали ота-оналарнинг ана шу муаммосини енгиллаштиришга кўмаклашиши тайин.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ҳамкорликда уюштирган бу фестивалда мамлакатимиз тўқимачилик, тикув ва трикотаж саноати корхоналарининг маҳсулотлари, маҳаллий матолардан тикилган турли ассортиментларга замонавий либослар, моделлар намойиш этилди.

■ **Ўз мухбиримиз**

ОЛИМПИАДА — 2002: ХРОНИКА

Солт-Лейк-Ситида қишки Олимпия ўйинлари тобора қизғин тус олмоқда.

Мусобақанинг тўртинчи кунидан сўнг учта олтин, тўртта кумуш, иккита бронза медалини қўлга киритган АҚШ спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга чиқиб олди. Уч олтин ва уч кумуш медалига эга бўлган норвегияликлар иккинчи ўринни эгаллаб туришибди. Учинчи ўринда бораётган германияликлар ҳисобида икки олтин, уч кумуш ва бир бронза медали бор. Тўртинчи ва бешинчи ўринларни Италия ҳамда Финляндия жамоалари эгаллаб туришибди.

Умумжамоа ҳисобида пешқадамликка даъвогарлардан бири Россия жамоаси бир олтин, икки кумуш ва икки бронза медали билан ҳозирча олтинчи ўринда. Россия жамоасига илк олтин медални фигурали учиш бўйича жуфтлик Елена Бережная ва Антон Сихарулидзе олиб беришди.

Хоккей бўйича асосий турнирда қатнашувчи жамоалар аниқланмоқда. Германияликлар Латвия терма жамоасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, навбатдаги босқичга йўл олишди. Белоруссияликлар эса францияликларни 3:1 ҳисобида енгиб, асосий турнирда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Кучли шамол турганлиги сабабли аёллар ўртасида тоғ чанғисида тезликда тушиш мусобақалари бошқа кунга кўчирилди. Маълумотларга қараганда, шамол тезлиги секундига 32 метрга етган. Баъзан соатига 120 км. тезликда тушадиган чанғичилар учун бундай шароитда мусобақани давом эттириш анча хавфли, албатта.

СИЁСИЙ МУШОҲАДА

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЎРНИ

ЖАҲОН АНДОЗАСИ ВА ТАЖРИБАСИ

Демократиянинг муҳим элементи ҳисобланмиш ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этувчи сиёсий партиялар бизда айнан мустақиллик йиллари тузилиб, фаолият юргиза бошлади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд тўртала партия ҳам ўтказилаётган ислоҳотларда ўз ўрни ва нуфузига эга. Қонун чиқарувчи органимиз Олий Мажлис депутатларининг ҳам маълум қисмини айнан сиёсий партиялар вакиллари ташкил қилади.

Икки палатали парламент тизимида сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлади, бу борада жаҳонда қандай тажрибалар мавжуд? Ушбу мақолада жаҳон парламентаризми амалиётида сиёсий партияларнинг ўрни юзасидан фикр юритилади.

Сайлов жараёнларида қатнашаётган ҳар бир партия кўпроқ овоз олиш, шу йўл билан сайловларда ғолиб чиқиш иштиёқи билан яшайди. Шу тариқа сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш, кучли сиёсий таъсирга эга бўлиш имкониятлари туғилади. Демак, ҳокимиятни забт этиш ва уни қўлда сақлаб қолиш мақсадида сиёсий партиялар ўз стратегияларини мукаммал ишлаб чиқишлари зарур. Бунда жамият ва тараққиёт талаблари ҳисобга олинмоғи шарт, албатта. Бу талаблар қондирилган ҳолатдагина жамиятда сиёсий барқарорлик қарор топади. Сиёсий партиялар айни пайтда ана шу барқарорликни таъминловчи мурватлардир. Улар умумижтимоий манфаатларни ифода этади. Ўз навбатида партиялар ижтимоий гуруҳларнинг жамиятдаги вакиллиги сифатида намоён бўлади. Халқ ҳокимияти деб аталган демократик тузум мана шундай вакиллик асосида амалга оширилади.

Қадимий Грецияда вужудга келган дастлабки партиялар давлатни ташкил этган бир неча ҳудудий бирликларнинг манфаатларини ҳимоя этган эди. Айни пайтда бундай ҳудудий бўлиниш ҳақиқатда мавжуд бўлиб, луғавий маъноси «қисм, бўлак» маъноларини англатувчи «партия» сўзининг ўзи ҳам бунинг яққол далилидир. Ҳудудий бўлиниш тамойили асосида ташкил топган бундай партиялар буюк юнон мутафаккирлари Платон, Аристотель ва бошқалар тафаккурида салбий тасаввурлар уйғотди. Уларнинг фиккича, партиялар ижтимоий яхлитлик ва давлат бирлигига раҳна солиши мумкин эди. Қадимги Римда ташкил топган илк партиялар ҳам Шимолий Италияда рақобат қилаётган гельфлар ва гибелинлар вакиллигининг намунаси эди, холос.

Ҳозирги маънодаги партиялар маълум бир ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини уюшган ва изчил ҳолда ифода эта оладиган вакиллик сифатида XVIII асрдан расман шаклланa бошлади. Саноат инқилоби натижаси ўлароқ, капиталистик бозор муносабатларининг тезкор ривожланиши Европа жамиятларининг кучли табақаланишига олиб келди. Янгидан-янги вужудга келаётган табақаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш сиёсий партияларнинг асосий вазифаси бўлиб қолди. Ички ва ташқи сиёсат кишилар эътиборини кўпроқ жалб эта бошлади. Ижтимоий муаммоларни сиёсий йўл билан, яъни ҳокимият орқали ҳал этиш ҳаётий масалага айланди. Шу тарзда сиёсий партияларнинг роли ҳам ортиб борди. XVIII аср ўрталарида Буюк Британияда, XIX аср бошларида Франция ва бошқа Европа давлатларида ташкил топган замонавий парламент тизими сиёсий ҳаётда катта воқеа бўлди. У давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишда сиёсий ҳаётнинг ҳақиқий субъектларига айланиб улгурган партиялар фаолияти учун кенг имконият ва истиқболлар очди. Партиялар сиёсий ҳаётнинг муҳим таркибий қисмига айландилар.

Ҳозирги демократик тузумдаги давлатларда партиялар тизимининг уч хил кўриниши эътироф этилади.

Уларнинг биринчиси, мамлакат сиёсий ҳаётида устувор роль ўйнайдиган икки сиёсий кучдан иборат икки партиялилик тизимидир.

(Давоми 2-бетда)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТЕЖАЛМАСА ТОҒ ҲАМ ЧИДАМАЙДИ

ЧИРОҚ ЎЧГАНДА НОЛИЙМИЗ-У, ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШНИ ЎЙЛАМАЙМИЗ. НЕГА?!

Катта шаҳарлар ўз кўчаларидан ҳамиша зимистонликни ҳайдаб юборади. Шаҳарларга тун чўкмайди, доимо ёп-ёруғ бўлади. Саф тортган симёғочлар устунларидаги миллион-миллион порлоқ чироқлар шаҳарларнинг ёниқ нигоҳларига айланади.

Парижу Лондон деб ўтирмай, кечки пайт Тошкент устида пастлаб, аэропортга қўнишга ҳозирлик кўраётган ҳаво лайнери иллюминаторидан ерга қараганмисиз? Кўз олдингизга келтирдингизми?... Пойтахтимиз кўзни қамаштирар даражада мингмиллион хил нурларга чулғониб, шаҳар ўрнида қизғиш-сариқ, яшил ранглар қоришиқ бесарҳад уммон пайдо бўлганга ўхшайди.

Кечаси шаҳарлар юксакликдан жудаям чиройли кўринади. Тунги жозиба, яшноқлик пайдо бўлиши учун сочимиз толаси янглиғ бесаноқ қувват симлар ҳавони кесиб ўтиши, уларда электр токи мавжудлигига, ўз ўрнида эса электр токи осмондан тушмаслигига ҳаммамиз ҳам эътибор бераверамиз. Гугурт қутиси ёхуд игна тушса кўзга чалинадиган пойтахтнинг ёп-ёруғ кўчалари бўйлаб сайрга чиқамиз, уйга шошамиз, меҳмонга борамиз — хуллас, тунда ҳам худди кундуз сингари сирли бир чароғонлик, инсон ақл-идроки, меҳнатининг самараси сирасига кирмиш мўъжизавий ёруғлик ичра кезамиз.

Ҳар қадамда симёғоч. Ҳар қадамда чироқ. Йўллар, хиёбонлар, оромгоҳлар, шаҳарларнинг тарихига, рамзийлик ифодасига эга майдонлар... Бир сўз билан айтганда, чарақлаган чироқларни шаҳарларнинг кечки ҳаётига жон бағишлаб турганга қиёс қилсак арзийди. Тасаввур қилинг. Қўққисдан, дейлик, гўзал Тошкент бўйлаб бир вақтнинг ўзида чироқ тақа-тақ ўчди. Дунё зимистонлик ичра қолиб кетганга ўхшайди, шаҳар зулмат ичра чўкади, юрагингиз орқага тортиб кетади. Совуқ сукунат ваҳмини туясиз.

Бугунги ҳаётни электр қувватисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ён-атрофингизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар тафсилоти янгиликлар, ахборотлар — ҳамма-ҳаммаси электр қуввати орқали бизга етиб келади. Тараққиёт ҳам шунга боғлиқ.

Афсуски, ҳаётийлик қадар зарурат саналмиш электр қуввати хусусида жуда кам биламиз, кам ўйлаймиз. Билганимиз шу, уйга кирамиз, чироқни ёқамиз, телевизор қўямиз, музлатгични очиб нонуштага тайёргарлик кўрамиз, хонадонимизда ёп-ёруғ чироқ порлаяпти, порламай кўрсин-чи, керакли жойга телефон қиламиз, талаб қиламиз, гоҳида пўписа ҳам қиламиз: «Пулини тўлаган бўлсам, нега энди чироғим ўчиши керак?»

Инсоф билан тан олайлик, одатда бир хонада оила жамул-жам бўлиб телевизор кўрамиз. Худди шу пайтда ошхонада, ваннада, қўшни хонада чироқ ёниб тураверади. Уйда ёлғиз қолсак ҳам тепамизда иккита-учта чироқ бирваракайига ёниб туради. Гўёки электр қуввати осмондан тушаётгандай, чекчегараси йўқдек.

Битта савол: ток қаердан келади? Ток қандай ишлаб чиқарилади? Уйингиздаги битта чироқнинг ёниши учун қанча харажат сарфланади? Билмаймиз. «Ҳар киловатига тўлаяпмиз-ку, харажати шу бўлса керак-да», деб ўйлаймиз. Аслида эса электр учун тўлаган пулимиз қилинган харажатга таққосланса, урвоқ ҳам бўлмайди. Бу ҳақда мақоламиз давомида аниқ фактларни айтиб ўтамиз.

«Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компаниясидаги айрим фактларни кўздан кечиргач, айни дамда, фикрим мутлоқ ўзгарган ҳолда сизга баъзи бир маълумотни етказаяпман.

Республикамиздаги 4 млн. хонадондан ҳар бир хонадон ҳеч бўлмаганда 1 соат мобайнида биттадан 100 ваттли чироқни тежаса, (ноўрин ёқмаса) бир кунда 390 минг кВт электр энергия, ўз навбатида 390 тонна кўмир ёки 120 тонна қора мой (мазут) иқтисод қилинади. Агар ҳар бир хонадонда ноўрин тарзда юқорида таъкидланган ҳолатлардаги каби 2 тадан чироқни ёқиб қўйсак, энди мамлакат миқёсида бир кунда қанча сарф-харажат ҳавога учирилаётганини, бунга ўзимиз сабабчи бўлаётганимизни билиб олишимиз қийин кечмайди.

Республикамиздаги 4 миллион хонадондан ҳар бир хонадон ҳеч бўлмаганда 1 соат мобайнида биттадан 100 Ваттли чироқни тежаса, (ноўрин ёқмаса) бир кунда 390 минг кВт электр энергия, ўз навбатида 390 тонна кўмир ёки 120 тонна кора мой (мазут) иқтисод қилинади.

Одамзот ўзи юзма-юз келган қийинчиликлар илдизини ўзининг хатти-ҳаракатидан излаши керак. Очиғини айтганда, бугун кишиларимиз электр токига нисбатан тежамкорлик у ёқда турсин, балки, тармоқ ходимлари таъкидлаганидек, мабодо тушуниб етсангиз тепа сочингиз тикка бўлар даражада муносабатда бўлаётганини англаймиз. Масалани ўрганиш жараёнида «Ўзбекэнерго» ДАК Марказий диспетчер бошлиғи Ҳамидулла Шамсиев менга диспетчерлик нуқтаси орқали компьютерга узатилган маълумотни кўрсатди.

— Компьютерда акс этган чизма, электр энергия истеъмоли жадвали, — деди у. — Кўраяпсизми, анови сариқ чизиқ жадвалнинг қоқ ўртасидан ўтган. Бу бугун, яъни февралнинг шу кунида узатилиши лозим электр энергия меъёри. Ҳа, мамлакат бўйича. Хўш, унинг юқорисида, анча баландлашиб турган кўкиш чизиқ эса шу бугун амалда узатилаётган электр энергияси.

Кўраяпсизми, истеъмолчи меъёрдагидан қанча кўп киловатт электр энергияси олаяпти. Чунки, бизда тежамкорлик йўқ ҳисоби. Газни бироз «қисиб», камайтириб, меъёрда жўнатиш мумкин. Бироқ токни камайтириб, меъёрга мослаб жўнатиб бўлмайди-да. Бу нарсани одамларнинг ўзлари тушуниб етишлари керак. Ҳатто, бугун шу лаҳзада вилоятларда ҳам кунлик меъёрлардан анча кўп миқдорда электр сарфланаяпти.

У киши қўлимга вилоятлар рўйхати ёзилган жадвални тутди. Тушунишим осон кечди. ***Масалан, бир кунда Бухоро вилояти бўйича 6 миллион 751 минг киловатт-соат электр манбаи меъёр қилиб белгиланган. Аслида эса шу куни Бухорода 8 миллион 19 минг киловатт-соат, яъни меъёрдагидан 1 миллион 268 минг киловатт-соат ортиқ электр энергияси сарфланган. Самарқандда белгиланган миқдордан 1 миллион 96 минг, Тошкент вилоятида 1 миллион 664 минг, Фарғонада 698 минг, Жиззахда 646 минг, Сурхондарёда 976 минг, Навоийда 831 минг, Сирдарёда 329 минг киловатт-соат электр энергияси ортиқча ишлатилган. Хуллас, февралнинг дастлабки етти кунлигида республикамиз бўйича 45 миллион 679 минг киловатт-соат миқдорда электр токининг меъёрдан зиёд ишлатилганлигини айтиб ўтишимиз кифоя. Очиғи, бунинг сабабини, яна ўша, электр тежамкорлигига бўлган муносабатимиз, дағалроқ туюлса-да айтайин, иқтисодий маданиятимиз ҳаминқадарлигидан ахтармоқ керак.***

(Давоми 2-бетда)

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЎРНИ

ЖАҲОН АНДОЗАСИ ВА ТАЖРИБАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бунга мисол тариқасида Буюк Британия ва АҚШ давлатларини келтириш мумкин. Буюк Британияда ҳокимият амалда консерваторлар (анъанавий қарашлар тарафдорлари) ва лейбористлар (меҳнат) партиялари орасида қўлдан-қўлга ўтади. АҚШда ҳокимият учун кураш республикачилар ва демократлар партиялари орасида кечади. У қадар катта таъсирга эга бўлмаган кичик партиялар шу икки партия атрофида жипслашишлари ҳам мумкин.

Иккинчиси — кўп қутбли тизим бўлиб, унинг ўзагини кўппартиялилик тамойили асосида фаолият кўрсатадиган уч ва ундан ортиқ партиялар орасидаги рақобат ташкил этади. Айрим мамлакатларда партиялар ҳаддан ташқари кўпайиб кетади. Франция, Италия, Россияда худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Тўғри, сайловолди жараёнларида бир неча партиялар иттифоқ ва блокларга бирлашади ҳам, аммо бу уларнинг озайишига олиб келмайди.

Бир қутбли тизим учинчи хил кўринишни намоён этади. Бу вазиятда якка партия ҳукмронлиги амал қилади. Муҳолиф ва йўлдош партияларнинг мавжуд эмаслиги бу партиянинг мутлоқлашувига ва ижтимоий ҳаётнинг мафкуравийлашувига сабаб бўлади. Бу эса мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётининг турғунлашувига ва ҳатто таҳлика остида қолишига ҳам олиб келиши мумкин. Бунга СССР деб аталган собиқ тоталитар тузумда ҳукмронлик қилган коммунистик партияни мисол сифатида эслаш кифоядир.

Табиийки, партиялар сиёсий ҳаётда кўпроқ таъсирга эга бўлиши учун давлат ва халқ ҳокимиятининг олий шакли бўлган қонун чиқарувчи ҳокимиятда ўз мавқеларини оширишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий партия парламент сайловларида кўпроқ овозга эга бўлишга ва парламентдаги ўз вакилларининг сонини оширишга ҳаракат қиладилар. Кўпчиликни ташкил эта олган партиялар парламентнинг қонун ишлаб чиқариш жараёнига кучли таъсир қилиш билан бирга парламентнинг назорат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиб, ижроий ҳокимият органи — ҳукумат фаолиятига ҳам таъсир ўтказа олади. Буюк Британия, Япония каби қатор демократик давлатларда ҳукумат бошлиғи — бош вазир парламент томонидан сайланган ҳолда, ҳукумат эркин фаолият юритиши учун парламентдаги кўпчиликка суянади.

Бицефал (икки бошли) характердаги тизимларда эса (бунда ижроий ҳокимият икки раҳбарга — давлат раҳбари президент ва ҳукумат бошлиғи бош вазирга эга бўлади, масалан, Францияда) ҳукуматнинг бир маромда ишлаши учун партиялар орасида ҳамжиҳатлик қарор топиши шарт. Акс ҳолда президент бош вазир раҳбарлигидаги ҳукуматни қўллаб-қувватлаб турган парламентни тарқатиб юбориши мумкин.

Президентлик бошқарувидаги республикаларда эса (АҚШ) ўз-ўзидан маълумки, президентнинг бевосита раҳбарлигидаги ҳукумат фаолияти парламентдаги президент партиясининг мавқеи ва таъсири билан белгиланади.

Икки палатали парламент тизимида сиёсий партиялар ҳар икки палатадан ҳам кўпроқ овоз олишга ҳаракат қиладилар. Бу — парламент ҳаётига, ижроий ҳокимиятни ўзида мужассамлаштирган президент ёки бош вазир фаолиятига таъсир ўтказиш нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Аммо, ҳар доим ҳар икки палатада ўхшаш таркибдаги кучлар мувозанати қарор топавермайди. Бир қарашда жамиятда кучли таъсирга эга партия ҳар икки палатада устувор мавқе касб этиши табиийдек туюлса-да, муттасил ўзгариб турувчи сиёсий бозор конъюктураси бунга имкон бермайди. Ҳар икки палатада ҳар хил таркибнинг ташкил топиши, турли партияларнинг, қолаверса, мухолиф партияларнинг қайсидир палатада устуворлик касб этиши ҳоллари ҳам учраб турадики, унинг асосий сабабларидан бири палаталар ваколат муддатининг ҳар хиллигидир.

АҚШда қуйи — Вакиллар палатаси 4 йилга, Сенат эса 6 йилга сайланади (Сенат депутатларининг учдан бир қисми ҳар икки йилда янгиланади). Францияда Миллий Ассамблея 5 йилга сайланган ҳолда, Сенат ваколати 9 йил мандат билан белгиланган (сенаторларнинг учдан бир қисми ҳар уч йилда янгиланади). Японияда қуйи Вакиллар палатаси 4 йиллик ваколатга эга бўлса, юқори Маслаҳатчилар палатаси 6 йилга сайланади (депутатларнинг тенг ярми ҳар уч йилда янгиланади).

Масалага бошқа бир нуқтаи назардан ёндашсак, президентлик бошқарувидаги давлатларда президент ҳар хил таркибдаги парламент палаталарининг қайсидир бирига суяниши лозим. Албатта, бу палата партиявийлик мезонлари асосида танланади. Шундай бўлса-да, президент ва палаталар орасидаги муносабат кўпроқ президент шахсининг салоҳияти билан белгиланади. 1956 йил республикачилар партияси номзоди Д. Эйзенхауэр президент этиб сайланган вақтда Конгресснинг ҳар икки палатасида демократлар партияси кўпчиликни ташкил этган эди. Худди шундай ҳолат 1968 ва 1972 йил республикачи президент Р. Никсон, 1980 ва 1984 йил республикачи президент Р.Рейган, 1990 йил Ж. Буш сайланишида ҳам содир бўлган. Президентлар бундай ҳолатда бир қатор муаммоларга дуч келиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай нозик вазиятда президентнинг салоҳияти ва қобилияти ҳал қилувчи омил бўлади. Демократ Билл Клинтон (1993-1999) парламент республикачилари, республикачи Ж.В. Буш (2000 йилдан) эса демократлар парламенти билан ўзаро тотувликда фаолият юритгани ва юритиб келаётгани фикримизнинг далилидир.

Парламентар республикаларда ҳукумат бошлиғи — бош вазирнинг фаолияти уни сайлаган парламентга, аниқроғи, парламентда кўпчиликни ташкил этган партияга бевосита боғлиқ. Аксарият ҳолларда парламент сайловларида ғалаба қозонган партия лидери айни пайтда бош вазир сифатида қабул қилинади. Буюк Британия ва Японияда парламент томонидан сайланган бош вазир Император томонидан тайинланади. Айни шу икки давлатда парламент палаталаридан биригина сиёсий ҳаётда мутлоқ устувор мавқега эга экани маълум. Британияда Лордлар палатаси, Японияда Маслаҳатчилар палатаси ваколатлари чекланган палата эканлигини ҳисобга олсак, ҳукумат бошлиғи бош вазир қуйи — Вакиллар палатасидангина ўзига таянч излаши кузатилган.

Японияда парламентда мутлоқ кўпчиликни ташкил этган Либерал-демократлар партияси мамлакат бош вазири учун таянч бўлиб хизмат қилади.

Италияда эса президент тенг ваколатга эга бўлган парламент палаталари томонидан етти йил муддатга сайланади. Бунда ҳар икки палата якдиллик билан (учдан икки қисм) овоз бериши зарур. Ўз ваколатини парламентдан олаётган президент ҳар икки палата олдида ҳисоб беради. Шу маънода президент ва унинг командаси фаолияти палаталардаги кўпчиликни ташкил этаётган сиёсий партияларнинг иродасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Италиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, парламентнинг ҳар икки палатаси ҳам бир хил муддатга (беш йилга) сайланади. Бу эса ҳар икки палатада бир хил сиёсий таркиб вужудга келишини таъмин этади. Ўз навбатида бу парламентар кўпчиликка суянган ҳукуматнинг бир маромда ишлаши учун шарт-шароит яратади. Италия сиёсий ҳаётида саксонинчи йилларда христиан-демократлар партияси мавқеи баланд бўлган бўлса, тўқсонинчи йиллардан сўнг социал-демократлар партияси парламент сайловларида етакчилик қилиб келмоқда.

Умуман, жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, икки палаталик ҳодисаси парламентар тизимда ўзига хос сиёсий таркибнинг ташкил топиши учун муҳим аҳамият касб этади, мамлакатнинг сиёсий ҳаётини ҳам бойитади.

■ **Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси, халқаро ҳуқуқ фанлари магистри

ТЕЖАЛМАСА ТОҒ ҲАМ ЧИДАМАЙДИ

ЧИРОҚ ЎЧГАНДА НОЛИЙМИЗ-У, ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШНИ ЎЙЛАМАЙМИЗ. НЕГА?!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, олинган ҳисобкитобларга қараганда ҳар бир одам бир кунда шаҳар шароитида 23-28 марта, қишлоқда эса 16-19 марта электр мосламаларига мурожаат қилади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳар куни 155-160 млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Ватанимизда 28 та ГЭС ҳамда 9 та иссиқлик электр станцияси мавжуд. Уларнинг умумий қуввати 11500 меговаттни ташкил қилади. Ҳадемай, Талимаржон ДИЭС ҳам ишга тушади. Унинг тўртта блокидан бири ишга тушса, юртимиз электр қуввати заҳираси 800 мВтга ортади.

Энди ўзимизга, кундалик ҳаётимизга қайтайлик. Биз хонадонларимизда электр токидан шунчалар кўп, палапартишлик билан фойдаланамизки, алалоқибат симлар зўриқиши, чироқ ўчишига ўзимиз сабабчи бўламиз. Яхшиси, сизга тушунарли қилиб баён этай. Ҳар бир хонадоннинг кун давомидаги электр энергия сарфи ўрта ҳисобда 1,2 киловаттдан ошмаслиги керак. Бироқ қиш кунлари бу кўрсаткич 3-4 мартага ошиб кетиши кузатилмоқда. Электр токни истеъмол қилишда қонун-қоидаларга бўйсиняпмизми?

Энди ҳар биримиз ўз хонадонларимизни кўз олдимизга келтирайлик; хонадонимизда камида 100 ватт қувватга эга 4 та чироқ ёниқ туради — бу 400 ватт дегани. Табиийки, музлатгич 200 ваттда ишлайди. Бунга яна телевизорни қўшамиз — 200 ватт. Музлатгич ва телевизор 400 ватт ток қувватини сўради, тўртта — 400 ватт ток тортаётган чироқни қўшсак — 800 ватт бўлди. Бу ҳаммаси эмас. Худога шукр, ҳар биримизнинг меҳмонхонамиз шифтида қандил осилган. Уйга қадрдонлар келса шу хонага таклиф қилинади. Қандилнинг камида учта «кўзи» ёнади, яъни юзлик учта, чироқ порлайди. Шу орада дазмолга эҳтиёж сезилди дейлик, яна 200 ватт ток қуввати тортиб олинади. Хонадонларимизнинг кўпчилигида ток печка ишлатилади, бунинг ўзи 2000 ватт ток қувватини олади.

Бундан ташқари, айниқса, шаҳар шароитида кўп қаватли уйларда яшаётган кишиларнинг ҳар бири хонадонида бир эмас, иккитадан телевизор, икки қаватли музлатгич (бу оддий музлатгичга қараганда икки баробар кўп ток тортади), микротўлқинли иситиш мосламалари, чангютқич, кир ювиш машиналари, видеомагнитофон, айрим хонадонларда компьютер мавжуд. Оддий хонадоннинг ўзи бир кунда мўлжалдаги 2000 ватт ўрнига 4000-4500 ватт ток ишлатаётган пайтда, барча қулайликларга эга, электрга эҳтиёжи юксак оилаларда эса камида 5000-6000 ватт электр энергияси сарфланаяпти.

Энди тасаввур қилиб кўринг, кўпи билан 2000 ваттга мўлжалланган электр сими қандай қилиб 5000-6000 ваттга чидам беради? Бундай ҳолатда ҳатто сим ҳам ёниб кетиши мумкин.

Баъзида токка дазмол ёки бошқа бирор асбоб уланганда «тақ» этган овоз эшитилади-да ток ўчади. «Ток ўчди», — деймиз. Йўқ, ток ўчмайди. Зўриқиш натижасида сим электр токини қабул қилолмайди, узатолмайди. Биз ўз шахсий машинамизга 4 кишиёйлларни ёритиш, қурилган кўприкларга чароғонлик бериш учун ҳам, албатта, электр керак.

Кундан-кунга юртимиз қиёфаси ўзгариб, кўркамлашиб бораяпти. Бу борада электр тармоғининг муносиб ўрни бор. Биргина мисол, пойтахтимизда ер ости йўли — метронинг янги, Юнусобод йўналиши ишга тушди. Метрони электр токисиз қайси дан зиёд одам олмаймиз. Бу ҳолатда меъёрни биламиз. Лекин токка давлат мулки деб қараймиз... Йирик-йирик қўшма корхоналар, завод ва фабрикаларни қўя турайлик, шаҳарларимизда пайдо бўлган, янги замонавий биримиз тасаввур қила оламиз? Демак, юртимизнинг янада равнақ топиши учун муҳим манба — электр энергиясини тежашга ҳар қайсимиз онгли равишда муносабатда бўлишимиз керак. Бунинг ўрнига хонадонларимизда меъёрдан 2-3 баравар ортиқ электр токи ишлатсак, буни нима деб тушунмоқ керак?

Яна бир нарса. Ҳозир нима кўп? Хусусий дўконлар, овқатланиш жойлари кўп... Ҳар бир хусусий дўконда қиш кунлари электр иситиш мосламаларидан фойдаланилади. Баъзи бир хусусий овқатланиш муассасаларида электрдан фойдаланиш тартиби қай аҳволда эканлигини кўрсангиз ваҳимага тушасиз.

Хуллас, маълумотлар билан танишилса, электр қувватидан ўта бешафқатлик билан фойдаланилаётганининг гувоҳи бўламиз. Дунё тажрибасида шундай; масалан, Европа давлатларининг кўпчилигида электр ҳисоблагичларда икки хил нарх қайд қилинади. Эрталаб соат 5 дан 10 гача ҳамда кечқурун соат 17 дан 22 гача бўлган вақт оралиғида электрдан фойдаланиш баҳоси икки баробар кўпайтирилади. Куннинг бошқа пайтлари эса электр нархи ўз меъёрида қайд этилади.

Бунинг натижасида эрталаб ҳамда кечки вақт электрга эҳтиёж сезиларли даражада ўсган чоғларда истеъмолчилар бирваракайига ҳамма чироқларни ёқиб ташламайдилар, бошқа электр билан ишлайдиган асбоблардан ноўрин фойдаланмайдилар. Сабаби оддий — пул кетади. Биздагига ўхшаб 1 та чироқ ўрнига 5-6 та чироқни ёқиб қўймайдилар. Бундан ташқари, электр энергияси таъминоти бузилмайди. Бир қарашда оддий, шу билан бирга электр энергияси исрофгарчилигининг олдини олишнинг энг қулай йўли бу. Чунки, эс-хушли одам қиммат соатларда электр токидан камроқ фойдаланади.

Тежамкорлик хасислик эмас. Бу тушунча иқтисодий маданиятимизни белгилайди. Жамиятга нисбатан, давлат мулкига қандай муносабатда бўлсак, ўшанга яраша қадр-қиммат топамиз.

Дунё билан юзлашаяпмиз. Ўз бойлигимизга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, иқтисодий тараққиётнинг асосий мезони эканлигини англаш фурсати етди.

Биз хонадонларимизда электр токидан шунчалар кўп, палапартишлик билан фойдаланамизки, алалоқибат симлар зўриқиши, чироқ ўчишига ўзимиз сабабчи бўламиз.

Тасаввур қилиб кўринг, кўпи билан 2000 ваттга мўлжалланган электр сими қандай қилиб 5000-6000 ваттга чидам беради? Бундай ҳолатда ҳатто сим ҳам ёниб кетиши мумкин.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
Республикада хизмат кўрсатган журналист

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими С.Усмонов бошчилигидаги гуруҳи маҳаллий партия ташкилотларига амалий кўмак кўрсатиш мақсадида яқинда Фарғона водийси вилоятларида бўлди. Гуруҳ аъзолари **Андижон, Наманган, Фарғона вилоят, Асака, Наманган, Фарғона шаҳар, Асака, Балиқчи, Данғара, Поп, Тошлоқ, Чуст, Шахрихон туманлари партия кенгашлари ва бир қатор ХДП бошланғич ташкилотлари** фаолияти билан танишдилар, уларнинг етакчилари билан долзарб масалалар борасида мулоқотда бўлиб, амалий ёрдам кўрсатдилар. Барча шаҳар ва туманлар партия кенгашлари котиблари иштирокидаги, вилоят партия кенгашларида бўлиб ўтган якунловчи суҳбатларда, Марказий Кенгашнинг навбатдаги пленуми олдидан ХДП маҳаллий ташкилотларининг жорий ишлари таҳлил қилинди, улар олдида турган муаммолар ўртага ташланди ва партиямизни янада ривожлантиришга оид таклифлар илгари сурилди. Учрашув ва суҳбатларда Андижон, Наманган, Фарғона вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари С.Раҳимов, М.Абдуллаева ва А.Игамбердиевлар иштирок этдилар.

ЭКОЛОГИК ДАСТУР ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Шу кунларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленуми қарорига мувофиқ тайёрланган ЎзХДП Экологик дастури лойиҳаси маҳаллий партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинмоқда. Чунончи, ХДП **Хоразм вилоят кенгаши** ижроия бюросининг кенгайтирилган йиғилишига партия фаоллари билан бирга вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, коммунал хўжалиги бирлашмаси, «Кимёташмин» ва «Сувоқова» ташкилотлари ҳамда қатор бошқа идораларнинг раҳбарлари таклиф этилдилар. Ўзбекистон ХДП Экологик дастури лойиҳасининг улар иштирокидаги муҳокамаси жараёнида унинг қатнашчилари (Боғот, Қўшкўпир, Хонқа партия кенгашлари биринчи котиблари А.Оллоёров, Ф.Холиқов, И.Ёқубов ва бошқалар) томонидан мазкур партиявий ҳужжат асосан маъқулланиб, шунинг билан бир қаторда, уни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритилди. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ғ.Машарипов қабул қилинажак Ўзбекистон ХДП Экологик дастурининг аҳамияти тўғрисида гапириб, табиатни муҳофаза қилиш ишларига барча идора, муассаса, ташкилотлар, барча фуқароларни сафарбар этиб, биргаликда ҳаракат қилинганидагина мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидлади.

ХДП **Беруний туман кенгаши** ижроия бюросининг тавсиясига кўра, Ўзбекистон ХДП Экологик дастури лойиҳаси йирик бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинмоқда. Партия аъзолари, хўжалик ва корхоналар раҳбарлари, «Экосан» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари қатнашаётган ушбу мажлисларда Экологик дастур лойиҳасини қўллаб-қувватлаш билан бирга тумандаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Экологик дастур лойиҳаси **Юнусобод туманидаги** «Гидрометприбор» институти бошланғич партия ташкилоти очиқ мажлисида ҳам муҳокама қилинди. Мажлис қатнашчилари лойиҳани қўллаб-қувватлаб, айрим қўшимча ва тузатишлар киритишни таклиф қилдилар.

Ўзбекистон ХДП Экологик дастури лойиҳасини маъқуллаган **Қибрай туман партия** фаоллари йиғилиши эса, туманнинг барча фуқароларига мурожаат қабул қилди. «Фидойингман, Она-табиат!» шиори остидаги мазкур ҳужжатда тумандаги ёшу қари, ҳар бир фуқаро табиатни асраш, уни келажак авлодларга безиён етказишга ҳисса қўшишга даъват этилади. Лойиҳа муҳокамаси партиянинг бошқа тузилмаларида ҳам бўлиб ўтаётир.

ПЕШҚАДАМЛАР ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Ўзбекистон ХДП **Қорақалпоғистон республика** ташкилоти партия матбуотини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган обунани уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Жорий йил учун партия нашрларига обунани ташкиллаштириш ва унинг бориши масалалари бир неча маротаба республика партия кенгаши ижроия бюроси мажлиси ва фаоллар йиғилишларида кўриб чиқилиб, маҳаллий ташкилотларга тегишли маслаҳат ва тавсиялар бериб турилди.

Яқинда ижроия бюро «Обуна — 2002» якунларини кўриб чиқиб, мавсум пешқадамларини аниқлади. Жумладан, Тахиатош шаҳар партия кенгаши обуна юзасидан берилган барча топшириқларни ошириб бажаргани учун «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятининг мукофотига тавсия этилди. Маҳаллий «Қорақалпоғистон ҳаваси» партиявий газетага обунани уюштиришда намуна кўрсатган ХДП Чимбой туман кенгаши Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Фахрий ёрлиғи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Қорақалпоғистон миқёсидаги мукофотларга муяссар бўлганлар орасида Тахиатош ГРЭСи, 1-сонли республика касалхонаси, Беруний туманидаги «Қиёт-обод», Тўрткўл туманидаги «Ғалаба» деҳқон-фермер хўжаликлари, Қораўзак туманидаги мусиқа мактаби, Хўжайли тумани халқ таълими бўлими қошидаги бошланғич партия ташкилотлари бор. Улар ўтиш даври мураккаб шароитларида ҳам матбуот нашрларига обунани яхши уюштириб, бошқаларга ибрат бўлдилар.

ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗДА

Партия ташкилотларининг Қарияларни қадрлаш йили тадбирларида иштироки тобора кенгаймоқда. Мисол учун, Ўзбекистон ХДП **Булоқбоши туман кенгаши** ходимларининг фаол саъй-ҳаракатлари билан «Булоқбоши ипаги» ҳиссадорлик жамиятида қадр кечаси ўтказилди. Унга мазкур корхонада узоқ йиллар ишлаб ҳозирда нафақада бўлган 40 нафардан ортиқ меҳнат фахрийлари, корхона илғорлари, ёшлар вакиллари таклиф этилиб, қариялар шарафига дастурхон ёзилди, санъаткорларнинг чиқишлари ташкил қилинди.

Ўзбекистон ХДП **Мўйноқ туман кенгашининг** фаол иштирокида уюштирилаётган шундай тадбирларнинг бири Қорақалпоғистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшган таниқли меҳнат фахрийси Т. Тўлаева таваллудининг 90 йиллигига бағишланди. Кечада туман ҳокими А.Турсунбоев, туман партия кенгаши биринчи котиби А.Ниятуллаев, туман ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Иброҳимова, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими бошлиғи Ж.Қодиров ва бошқалар юбилярни табриклаб, ёшларни нуроний опадай халқ ва Ватан манфаатлари йўлида астойдил меҳнат қилишга чақирдилар. Кечада туман Маданият уйи қошидаги бадиий ҳаваскорлар жамоалари концерт бердилар.

Республика кўзи ожизлар жамиятининг **Яккасарой тумани** бўлинмаси бошланғич партия ташкилотида Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ХДП туман кенгаши биринчи котиби Т.Сайфуллаев Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йилининг эълон қилиниши ва унга доир Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, партия ташкилотларининг уни рўёбга чиқаришдаги иштироки ҳақида сўзлаб берди.

ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

Ўзбекистон ХДП **Асака шаҳар кенгаши** пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ш.Каримов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шаҳар партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Асака шаҳар кенгаши биринчи котиби этиб Муйдинжон Дадажонов сайланди. Пленумда Андижон вилоят партия кенгаши биринчи котиби С. Раҳимов сўзга чиқди.

ЎзХДП **Бухоро ва Жондор туман** кенгашларининг навбатдаги пленумлари, **Уйчи ва Чортоқ** туман кенгашларида бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотлари котибларининг йиғилишлари, **Собир Раҳимов туманидаги** 23 ва 24-сайлов округларида фаолият кўрсатаётган БПТ етакчиларининг семинарида ортда қолган йилда партия ташкилотлари амалга оширилган ишларга якун ясалиб, жорий йилдаги вазифалар, Қарияларни қадрлаш йили дастурларида иштирок этиш режалари белгиланди.

Ўзбекистон ХДП **Бўстонлиқ туман кенгаши** ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида туман ижтимоий таъминот бўлими бошланғич партия ташкилотининг ХДП аъзолари томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришдаги фаоллигини ошириш ва партиямиз сафларини муносиб ёшлар ҳисобига тўлдиришга қаратилган ишлари ҳақидаги ҳисоботи тингланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партия гуруҳининг ўтган йилдаги фаолияти Ўзбекистон ХДП **Марғилон шаҳар кенгаши** пленумида махсус муҳокама этилди. Гуруҳ раҳбари депутат Ф.Позилов шу ҳақда ахборот берди. Пленумда, шунингдек, шаҳардаги «Зуҳра» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти қошида тузилган «Ўт юраклилар» клуби (раҳбари М.Тожибоева)нинг гиёҳвандлик, безорилик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб бораётган ишлари ҳақидаги масала ҳам кўрилди. Партия депутатлик гуруҳининг фаолияти ХДП **Чуст туман кенгаши** ташкил этган йиғилишда ҳам муҳокама қилинди. Унда асосий эътибор партиямиздан сайланган депутатлар фаоллигини ошириш, сайловчилар ишончини оқлаш йўлида қилинажак ишларга қаратилди.

Учқўрғон туманидаги Қайқи касб-ҳунар коллежи қошида Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти тузилди. Унинг ўзагини ташкил этган 5 ХДП аъзоси қаторига яна беш нафар янги сафдошлар қўшилди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Маҳаллий партия ташкилотлари буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллуд топган куннинг 561 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этдилар. Мана бир неча мисол. Ўзбекистон ХДП **Хатирчи туман кенгашида** «Улуғ аллома, мутафаккир ва давлат арбоби» мавзуида бадиий кеча ўтказилди. Партия кенгаши биринчи котиби Р.Раббимов олиб борган кечада шеърият мулки султонининг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги суҳбатдан сўнг ёшлар Навоий ижодидан намуналар ўқидилар, «А.Навоий» спектаклидан парчалар намойиш этдилар.

9 февраль куни **Ангрен шаҳар** санъат саройига ташриф буюрган партия фаоллари, педагогика институти профессор-ўқитувчи ва талабалари, ўқувчилар вакиллари анъанавий навоийхонликнинг иштирокчилари бўлдилар. Унда А.Навоий ҳақидаги мароқли чиқишлар бўлди, унинг шеър ва ғазаллари, шоир асарларига битилган куй ва қўшиқлар янгради. Тадбирни ЎзХДП шаҳар кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлинмаси ҳамда республика «Маънавият ва маърифат» марказининг маҳаллий бўлими ҳамкорликда ташкил этдилар.

Ўзбекистон ХДП **Фурқат туман кенгаши** ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан А.Навоийга бағишлаб туман Маданият уйида уюштирилган кечада бошланғич партия ташкилотлари котиблари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ёш қаламкашлар қатнашдилар. Бундай тадбирлар **Сирғали ва қатор бошқа шаҳар, туман партия кенгашлари** томонидан ҳам ташкил қилинди.

ЎзХДП **Данғара туман кенгаши** «Данғара» машинатрактор парки бошланғич партия ташкилоти котиби Мирмуҳсин Мирзамаҳмудовнинг «Шукрона» номли илк шеърлар тўпламини нашрдан чиқаришга ҳомийлик қилди. Партиядошимизнинг китоби «Ўзбекистон – Ватаним маним» вилоят кўрик-танловининг 1-даражали Дипломига сазовор бўлди.

ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ



БМТ Бош котиби Кофи Аннан Яқин Шарқдаги вазият тобора кескинлашиб бораётганидан ташвиш билдириб, Исроил ва Фаластин раҳбарларини яна тинчлик музокараларини бошлашга чақирди. У Исроил ҳаво кучларининг Ғазодаги Фаластин ҳукуматига тегишли иншоотларни бомбардимон қилганини кескин қоралади. Хабарларга кўра, ушбу ҳаво зарбаларидан БМТ Бош котибининг Яқин Шарқ бўйича махсус вакили Тере Ред-Ларсен қароргоҳи ҳам жиддий зиён кўрган.

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Гаагада Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич устидан суд жараёни давом этмоқда. Ушбу жараён ҳарбий трибуналда биринчи марта президент устидан иш кўрилаётганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Суднинг биринчи кунида бош прокурор Карл дель Понте сўзга чиқиб, С.Милошевич инсониятга хавф соладиган жиноятлар содир этганликда айбланаётганлигини эълон қилди. Шунингдек, собиқ раҳбар Косово, Хорватия, Босния ва Герцеговина можаролари пайтида ҳарбий жиноятга қўл урганликда ҳам айбланмоқда. Агарда унинг Боснияда содир этилган қирғиндаги иштироки исботланса, С.Милошевич умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилади.



ХАКЕРЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Фан тараққиёти илгарилаб боргани сари ўша даражадаги жиноят турлари ҳам пайдо бўлмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда интернет тизими орқали содир этилаётган жиноятлар сони тобора ортиб бормоқда. Хакерларнинг банк ҳисоб рақамларидаги сармояларни ўзлаштиришлари, йирик компьютер алоқа тизимларини ишдан чиқариши ёки давлат миқёсидаги муҳим ҳужжатларни ошкор қилиш каби хатти-ҳаракатлари катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Кеча АҚШ Федерал разведка бюроси ана шундай жиноятларнинг олдини олиш учун янги лойиҳа ишлаб чиққанлигини эълон қилди. Унга кўра, бюро ходимлари мутахассислар билан ҳамкорликда интернет тизимининг энг нозик, мустаҳкам дастурланмаган томонларини ўрганиб чиқади ҳамда доимий кузатув остига олади. Бу ҳақда Федерал разведка бюроси вакили Стивен Берри баёнот берар экан, дунёнинг бир бурчагидан туриб иккинчи бурчагида жиноят содир этаётганларни фош қилиш осон бўлмаслигини таъкидлаб ўтди.

ДАЛИЛ ВА ШАРҲ

ОЛГАНИНГНИ ЭМАС, ЕГАНИНГНИ ҲИСОБЛА!

ҲАР БИР ДАВЛАТДА АҲОЛИНИНГ ЯШАШ ШАРОИТИ, УНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИ ҲАР ХИЛ БЎЛСА, УЛАРНИ БИР ХИЛ АНДОЗАГА СОЛИБ БЎЛАДИМИ?

Республикамизнинг халқаро нуфузи ортиб боргани сари собиқ иттифоқ таркибига кирган айрим давлатлар матбуотида турли шакл ва кўринишдаги бўхтон фикрлар чоп этилмоқда. Хўш, бундай мақолаларни чоп этишдан мақсад нима? Собиқ иттифоқ давридаги ҳукмронликни қўмсашми ё давлатлар ўртасидаги муносабатларга нифоқ солишми?

Мана бир мисол: «Труд» газетасининг яқиндаги сонларидан бирида «Не всем хватит на хлеб с маслом» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда МДҲ мамлакатларидан ўнтасида аҳолининг реал даромадлари тўғрисида сўз боради. Собиқ иттифоқ даврида бир ойлик ўртача иш ҳақига қанча озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш мумкин эди-ю, бугунги кунда МДҲ давлатларида ушбу кўрсаткич қанчани ташкил этаётгани таҳлил қилинган. Хусусан, мазкур давлатларда ўртача иш ҳақига еттита асосий истеъмол маҳсулотидан, яъни гўшт, сариёғ, шакар, нон, картошка, ўсимлик мойи ва сутдан қанча харид қилиш мумкинлиги айтилади.

Дастлаб таъкидлаш жоизки, жаноб муаллифлар собиқ иттифоқда даромад манбаи фақат иш ҳақи эканлигини, энди эса бозор иқтисодиётига ўтиб, турли мулкчилик шаклларини жорий эта олган давлатларда аҳоли даромад манбаларининг кўлами кенглигини унутишган.

Шунингдек, бугунги кунда икки-учта рақамни рўкач қилиб хулосалар бериш калтабинлик бўлиб, бозор иқтисодиётининг ривожланишида ўзига хос йўл яратган мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишда ўша юрт аҳолисининг менталитетидан келиб чиқмоқ даркорлигини тушуниш лозим эди. Акс ҳолда, советлар тузумидагидек барчани бир қаричда ўлчаш орзуси уларни тарк этмайди.

Бугунги кунда республикамиз аҳолисининг 60 фоизини қишлоқ жойларда истиқомат қилувчилар ташкил этади. Уларга ҳукуматимизнинг махсус қарорларига асосан томорқалар ажратиб берилган, одамлар ўзига керакли маҳсулотларни, яъни полиз, сут ва гўшт маҳсулотларини асосан шахсий томорқаси ёки хўжалигидан олади. Шу билан бирга, қишлоқ аҳолиси ўзи етиштирган ва эҳтиёжидан ортган маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб сотади ва бунинг ҳисобидан даромадини янада оширади.

Қизиқ, «Труд» газетасининг юзаки рақамларга таяниб иш кўришга ўрганиб қолган экспертлари ҳаётни таъминлашнинг бундай услубини қай йўсинда ҳисоб-китоб қилиб, қай баҳолар билан ўлчар экан? Киши картошка, гўшт ё сут маҳсулотларини ўз рўзғоридан чиқарса, буларни бирор жадвалга солиб бўлмайди-ку, ахир. Ваҳоланки, бозор иқтисоди шароитида ҳамма мустақил ҳаёт кечиришига тўғри келади. Ҳар бир давлатда аҳолининг яшаш шароити, унинг урф-одатлари ҳар хил бўлса, уларни бир хил андозага солиб бўладими? Албатта, турли давлатлардаги ўртача иш ҳақи, аҳолисининг турмуш даражасини кўриб чиқишда ўша халқнинг урф-одатларини ҳисобга олиш хам керак-ку!

Қайсидир давлатда одамлар фалондек миқдорда маош олиши, бу пулга қанчадир миқдорда қандайдир маҳсулотлар харид қилишини ҳисоблаб, овоза этиш аслида «гиж-гиж»лашга уринишдан ўзга нарса эмас. Оддий ҳаётий мисоллар ҳар бир мамлакатда турмушнинг ўз мезонлари борлигини кўрсатади. Дейлик, ўртаҳол россияликнинг ойлиги билан АҚШда кун кечириб бўлмайди. Лекин, америкалик журналистлар буни ҳеч қачон кўз-кўз қилган эмас. Чунки, ўртаҳол америкалик, у ойига қанча даромад олишидан қатъи назар, бошқа давлатдаги ўртаҳол одамдек ҳаёт кечиради.

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида республикамизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат бўлганлиги, ижтимоий таъминот масаласи ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришга алоҳида эътибор берилганлиги туфайли мамлакатимизда аҳоли турли табақаларга бўлиниб кетиши ҳамда одамлар қашшоқлашувининг олди олинди.

Шу билан бирга, ҳукуматимиз томонидан нарх-навонинг ошиши ва инфляцияни ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар давлат бюджети ҳисобидан ошириб борилмоқда.

Шу ўринда, иш ҳақи ўзи нима, деган саволга жавоб бериб ўтсак. Иш ҳақи деганда, молиялаш манбаларидан қатъи назар, пул ёки маҳсулот шаклида бўлган иш ҳақининг барча турлари, шунингдек, иш ҳақи фондига киradиган турли мукофот, қўшимча тўловлар, устама ҳақ, ижтимоий имтиёзлар ва бошқа тўловлар мажмуи тушунилади.

Иш ҳақини Ўзбекистон мисолида таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, 2001 йилнинг III чорагида ўртача ойлик номинал иш ҳақи 17127,6 сўмни ташкил этиб, реал иш ҳақи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,1 фоизга ўсди. Тармоқлар бўйича, бу кўрсаткич савдо соҳасида 14,9 фоизга, қишлоқ хўжалигида эса 25,9 фоизга ўсди.

Айни шу даврда ўртача номинал иш ҳақи саноатда 34700,6 сўмни, транспорт соҳасида 28687,3 сўмни, қурилишда 28568,2 сўмни, ахборот ва ҳисоблаш хизмати тизимида 53548,1 сўмни ташкил этган.

Шуни таъкидлаш лозимки, боқимандалик кайфиятидан, эскича тафаккурдан ҳануз қутула олмаган айрим одамлар, пул қанча кўп бўлса, турмуш шунча фаровон бўлади, деб ўйлайдилар ва иш ҳақи оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар. Аслида иш ҳақини ошириш билан ҳамма вақт ҳам турмуш тарзини яхши томонга ўзгартириб бўлмайди. Чунки, иш ҳақи билан бозордаги нарх-наво бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, аҳоли қўлидаги пул массасининг ўсишини ишлаб чиқаришдаги ўсиш, яъни товар массасининг ўсиши билан мутаносиблаштириб бориш лозимдир.

Бундай йўл миллий валютамиз — сўмнинг харид қобилиятини бир маромда сақлаб туришда ва инфляция даражаси ўсишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Иш ҳақи ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдорлари ўртасидаги тафовутнинг ўсиб кетиши мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган тадбирларни йўққа чиқариши мумкин.

Масаланинг яна бир жиҳатига эътибор берсак. Айрим кўшни давлатларда фуқароларнинг кичик бир гуруҳи бойиб кетган, аҳоли эса турли табақаларга бўлинган. Бу мамлакатлар ташқи қарзлар эвазига иқтисодиётда барқарорликни сақлаб турибдилар. Лекин бундай ёндошув вақти келиб салбий оқибатлар келтириб чиқармаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ўзбекистонда эса ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ҳимояга ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилгани натижасида табақаларга бўлинишга йўл қўйилмади.

Бизнинг асосий ютуғимиз ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ аҳолига ажратиб берилган томорқалар ҳамда халқимизнинг меҳнатсеварлиги ўзини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш имконини бераётганидир. Бу аҳоли даромадлари ўсиши билан бирга, даромад манбалари ўзгаришига ҳам сабаб бўлмоқда.

Маълумки, республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, аввалambор, ўзбек халқининг турмуш тарзи, менталитети ҳисобга олинмоқда. Бу ўринда Президентимизнинг «Бозор иқтисодиётини барпо этиш — шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий демократик, сиёсий ислоҳотлар пировард мақсадларининг ўзи, бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир» деган сўзларини қайд этиб ўтиш жоиздир.

Республикамизда иш ҳақини ошириш билан бирга, ўқитувчилар, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларнинг тарбиячилари ва тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларга қўшимча имтиёзлар яратилган. Хусусан, сарфланган электр энергия, газ ҳамда коммунал тўловларнинг 50 фоиз миқдорини тўлаш шулар жумласидандир. Шунингдек, пенсионерларга юқоридагилардан ташқари, жамоат транспортида юриш учун имтиёзлар берилган.

Жаҳон тажрибасидан яхши маълум: асоссиз оширилган иш ҳақи нафақат аҳоли турмуш даражасининг пасайишига, балки иқтисодиётнинг издан чиқишига олиб келиши мумкин. Мазкур ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида импорт товарлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, мазкур соҳада иш юритаётган субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига устувор мақом берилганини алоҳида қайд этиб ўтмоқ жоиз.

Қисқаси, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига эришиш, миллий валютамизнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш даражасини янада ошириш ўзимизнинг қўлимизда. Бунинг учун ҳар бир фуқаро республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ўз ҳиссасини қўшиши, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, шу юрт учун ёниб яшаши керак.

Ҳамюртларимиз хорижда пайдо бўлган «статистик маълумотлар» кўпинча ҳақиқий вазиятни эмас, кимларнингдир хаёлидаги ҳолатни акс эттиришини яхши англайдилар. Зотан, ахборот асри, деб аталаётган ҳозирги юз йилликда бундай найранглар янгилик эмас. Биз мустақиллик йилларида сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ва маданий соҳага оид кўпгина уйдирмаларни кўрганмиз, галдаги уйдирма ҳам олдингиларининг бири холос.

■ **Баҳодир ҚИРҒИЗОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарма бошлиғи

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Хитой Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) аъзолари сафидан жой олгач, мамлакатда чет эл сармояларини кўпайтиришнинг янги босқичи бошланди, дейиш мумкин. Бу жараёнда, айниқса, АҚШ компанияларининг фаоллиги ортиб бормоқда.



Умуман, икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар йўлга қўйилганидан сўнг ўтган йигирма йилдан буён савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб келмоқда. Хитой ташқи савдо ва ташқи иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги маълумотларига кўра, айни кунда АҚШнинг беш юзта йирик компаниясининг уч юздан ортиғи Хитойга сармоя киритган. 2001 йилги ҳисоб-китоб бўйича, америкалик ишбилармонлар сармояси 33 минг лойиҳа бўйича 67,8 миллиард долларга етган. АҚШ билан биргаликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар асосан металлургия, нефть, кимё-тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси соҳалари, суғурта ва молия тизимларини қамраб олган.

Яқин кунларда АҚШ Президенти Жорж Буш Хитойга ташриф буюришни режалаштирмоқда. Бўлажак музокараларда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолардан ташқари, икки томон учун аҳамиятли бўлган иқтисодий алоқаларга доир масалалар ҳам муҳокама этилиши кўзда тутилган.

ИЛК АНЖУМАН

Бугун Туркияда Европа Иттифоқи ва Ислом конференцияси ташкилотининг қўшма анжумани ўз ишини якунлайди. Бу Ислом дунёси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги илк анжумандир. Унда 70 дан ортиқ давлатдан вакиллар иштирок этмоқда. Тадбир қатнашчилари халқаро террорчиликка қарши кураш ва Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларини муҳокама қилишди.

ФИНЛЯНДИЯ КЎЧАЛАРИДА

МУЛОҲАЗА

ЧЕКИШГА ТАШВИҚОТ УМРГА ХИЁНАТ-КУ!

Икки-уч йил илгари бир реклама бўларди: унда ибтидоий даврдан то шу бугунга қадар инсониятга кулфат келтирган ўлим қуроллари намойиш этилар экан, эфирда ХХ асрнинг офат қуроли сифатида атом бомбаси ёки ядро қуроли эмас, бир дона сигарета пайдо бўлади...

Ҳақиқатан ХХ асрга келиб сигарета инсоният ҳаётига энг кўп хавф солувчи ўлатга айланди. Маълумотларга қараганда, СПИДга чалинганлар ҳамда ўз жонига қасд қилаётганлардан кўра кашандалиги туфайли вафот этаётганларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Бугунга келиб ер юзида бир йилда 10,5 миллион киши кашандалик оқибатида ҳаёт билан эрта видолашаяпти.

Ер юзида кашандалар сони тобора ортса-ортаяптики, асло камаяётгани йўқ. Уларнинг сони ҳозир 1 миллиардга яқинлашиб қолди.

Тамаки ишлаб чиқариш саноати эса энг даромадли соҳалардан бири сифатида «гуллаб-яшнамоқда». Кашандаликнинг ёши тобора кичрайиб, кўпчиликни орқасидан эргаштираётганлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз.

Кеча мактаб ёки олий ўқув юртида сигарета чекиш уят саналарди. Бугун устоз-шогирд бир-биридан олиб тутатишмоқда. Оилада фарзанд чекканини ота кўриб қолса борми... Бугун отанинг олдида бола, боланинг олдида ота бемалол бурқситиб-бурқситиб сигарет чекишига кўникдик.

Тамакининг оҳанрабодек ҳаммани ўзига жалб қилишининг сабабини инсоннинг лаззатланишга ўч табиати ва тамакининг лаззатбоплиги билан тушунтириб бўлмайди. Ваҳоланки, тамакидан келадиган лаззатнинг охири аччиқ бўлишини кашданинг ўзи ҳам билади. Кашандалик инсон танасида ўнлаб касалликлар келтириб чиқараётганлиги ҳақидаги табобат ташҳисидан кўпчиликнинг хабари бор. Ўпка раки билан касалланганларнинг 90 фоизи чекувчилардир. 22 дона сигаретни кетма-кет чеккан киши эса уран моддаси билан заҳарланган киши ҳолига тушар экан. Наркотик моддаларни истеъмол қилувчиларнинг аксарияти гиёҳвандлик йўлига киришига кашандалик сабаб бўлганлигини эътироф этишаяпти. Кашандаликнинг охири «вой» эканлиги кўриниб турса-да, лекин бу йўлда негадир чекиниш кузатилмаяпти.

Аксинча, бугунги кунда тамаки маҳсулотларининг дунё бўйлаб шундай кучли тарғиботи кетяптики, унинг зарари ҳақидаги огоҳлантиришлар бор-йўғи расмиятчилик юзасидан бўлаётгандек таассурот қолдирмоқда. Ўнлаб тамаки ишлаб чиқарувчи компанияларнинг маҳсулотлари ер юзини кезиб юрибди. Бунда тарғибот-ташвиқот, хусусан, рекламанинг «хизматлари» анчагина катта. Эътибор қилсангиз, сигаретанинг зарари ҳақидаги огоҳлантиришлар эса унинг тарғиботи бўйича реклама олдида зиғирча ҳам эмас.

Тамаки тарғиботи охирги оқибат улкан тизимга, ҳатто мафкурага айландики, кўпгина Европа давлатлари натижада унинг тарғиботига қарши қонун йўли билан курашишга мажбур бўлмоқдалар. Ўтган йили тамаки ҳамда спиртли маҳсулотлар рекламасини таъқиқловчи қонун лойиҳасини қувватлаб Россия Думаси ҳам овоз берди. Югославияда 31 январь тамаки маҳсулотларига қарши курашиш куни, деб белгиланган. Ҳатто мутахассислар тамаки сотиш, чекиш ҳамда уни ишлаб чиқариш устидан ҳам назорат ўрнатиш керак, деган фикр билдирмоқдалар. Уларнинг фикрича, тамаки чекиш ёшини ҳам қонун билан қатъийлаштиришга эҳтиёж туғилмоқда. Бу нарса ёшларнинг тамакига ружу қўйишини бироз чеклаши мумкин.

Тамаки маҳсулотларини ҳар жойда, масалан, кўчада, боғда, ўрмонда, машина ёки ишхонада эмас, белгиланган жойда чекилса, бу қоида бузилганда эса унга маълум жазолар қўллаш қонунда акс этса, кашандаликни назоратда ушлаб туриш мумкин, деган фикр билдирилмоқда. Уларнинг айтишларича, кашандалар нафақат ўзгаларни заҳарлаш орқали инсониятга зарар келтирмоқдалар, балки уларнинг бино ёки ўрмонларга ташлаб кетган сигарета қолдиқлари ҳам яшиллик оламига хавф солмоқда. Ўтган йилнинг май ойида биргина Тошкент шаҳрида қуруқ ўтўланлар билан боғлиқ 140 га яқин ёнғин ҳодисаси содир бўлган. Шуларнинг аксарияти сигарета қолдиғидан чиққан ёнғинлардир.

Мамлакатимиз қонунчилигида сигарета сотиш ҳамда унинг тарғиботида маълум чекловлар бор. Вояга етмаганларнинг сигарета сотиши ёки сотиб олиши бизда таъқиқланади. Тамаки маҳсулотлари рекламаларини жойлаштириш ҳам, тайёрлаш ҳам, узатиш ҳам маълум қонуний чекловлардадир. Лекин биз буларга нечоғлик амал қилаяпмиз — гап ана шунда.

1998 йил Тошкент шаҳар ҳокимлиги республикага ибратли бир қарор билан чиққан эди. Шаҳар ҳокимининг 1998 йил 16 мартдаги қарорида Тошкент шаҳар ҳудудида тамаки маҳсулотлари рекламасини ўрнатиш ва жойлаштиришни таъқиқлаб қўйиш ҳақида гап бор эди. Бу олижаноб қарор вилоятларга ҳам ёйилади, деб умид қилиб турганимизда, кўп ўтмай пойтахт кўчаларидаги улкан полотноларда «Хон», «Pine», «Mond», «Marlboro» ва бошқа сигареталар рекламалари пайдо бўлди. Ҳайрон қоласан киши, қарорнинг ўша банди бекор қилиндими, ё...

«Реклама тўғрисида»ги Қонун бўйича тамаки маҳсулотларини реклама қилиш унинг истеъмоли кишига завқ беради ёки жисмоний қувватини оширади, деган таассуротларни уйғотмаслиги керак. Лекин кўчаларимиздаги сигарета рекламаларида шундай ҳолатларни учратиш мумкин. Хадра майдони рўпарасида «Mond» сигаретаси сурати туширилган полотнода чавондоз от билан тўсиқлардан сакраяпти, гўёки «Mond» сигаретасини чеккан киши ана шундай спорт ютуғига эга бўлади, дейилаётгандай.

Чорсу савдо маркази биноси ёнида илгари Ирода Тўлаганова ва Акобир Қурбоновлар сурати солинган реклама полотноси ўрнида кейинчалик «Pine» сигаретининг рекламаси пайдо бўлган эди. Бизнингча, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи миллатимиз, спортимиз ифтихорлари тасвирланган бу полотнонинг ижтимоий-маърифий аҳамиятини пул келтирувчи сигарета билан алмаштириш соғлом турмуш тарзига эътиборсизликдай, унга қарши йўналтирилгандек ҳаракатдир. Айтингчи, ўша ердан Иродадай опалари, Акобирдек акалари борлигидан ғурурланиб, уларга ўхшашни дилига тугиб ўтадиган ёшларимизга «Pine» рекламаси нимани тарғиб қилади?

Кимга ёқар, кимгадир ёқмас, яна бир гап: ҳозир барча шаҳарларда, туманлар марказларида ҳам сигарета сотиладиган жойлар ҳар қадамда учрайди. Мактабга қатнаётган болалар, буларни кўриб кўзи «пишийди», кўникма ҳосил қилади. Натижада одамларга кулфат келтираётган бу соҳа барқ уриб ривожланаяпти. Минглаб ёшларни ўз домига тортиб, уларнинг соғлиғига — келажакка хуруж қилмоқда. Бу ҳолга ҳозир қанча лоқайд қарасак, эртага шунча жаброни тортамиз. Бизнингча сигаретга қарши тарғибот-ташвиқот билан биргаликда амалий чоралар кўриш лозимга ўхшайди. Ҳар бир инсон соғлиги келажакнинг соғломлиги дегани, шундай эмасми?!

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
журналист

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

«БОБУРНОМА»ДА ОВ МАНЗАРАЛАРИ

Бугун Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун. У XVI аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Лутфий, Навоий анъаналарини давом эттирган улуғ шоирдир. Бобур асарлари ўзининг жозибадорлиги, мазмундорлиги ва бадиий теранлиги билан ажралиб туради. У ўзининг дунёқараши ҳамда бой адабий-илмий тафаккури билан ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Шоирнинг «Бобурнома» асари эса беш асрдан буён жаҳоннинг жуда кўплаб тилларига ўгирилиб, дунё кезмоқда. Ушбу асар Бобур яшаган давр ҳақида маълумот берувчи ўзига хос қомусдир. Қуйида «Бобурнома»ни тадқиқ этишга бағишланган мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ҳисобсиз жангу жадаллардан чарчаган Бобур кўпинча дам олиш, истироҳат қилиш учун ов ташкил этган. «Бобурнома»даги тасвирлар орасида атайин ташкил қилинган ов манзараси жуда оз. Турли юртларни кезганда, йўл-йўлакай дуч келган ҳайвонларни овлаш тасвири кўпроқ бўлиб, улар жонли ва ҳаётий чиққан. Унда тўсатдан бир-бирига рўпара келган овчи ҳамда ҳайвон ёки қушлар ҳаракатлари табиий ёритилган.

Бобурнинг ов манзаралари ичида балиқ овлаш тасвири алоҳида ўрин тутади. Бошқа ҳайвонлар овидан фарқли ўлароқ бунда кенг тафсилот, балиқчи хусусиятларини очувчи кўпдан-кўп далиллар диққатни тортади.

Бобур Ҳиндистоннинг Борон деган жойини таърифлаб, қиш фаслида ерли халқнинг қор номли қушни кўп сайд қилишларини ёзади ва «ушбу мавсумда Борон суйида балиқлар гузари бўлур», дейди. Ана шу жумладан ҳам Бобурнинг балиқ ови ҳақида кенг тасаввури борлигини билиш мумкин. Чунки, балиқ йилнинг маълум фасли ва муддатида дарё, оқар сувларнинг маълум жойидагина бўлади ёки ундан ўтади. Айнан шу вақт маҳаллий халқ «тўр била яна жах боқлаб қалин (кўп) балиқ тутарлар». Бироқ, бу — балиқ тутишнинг умумий усули.

Борон аҳолисининг ўз балиқ овлаш усулини кўрган Бобур уни батафсил ёритади. У жойда «қулон қуйруғи» ўти бўлиб, унда эфир мойлари моддаси кўп ва бу ўт маст қилувчи хусусиятга эга. Балиқчилар бу ўтни сувга ташлаб, балиқларни гаранг қилиб тутиб олишади. Аммо, бу осон иш эмас. Сувга ташланадиган ўтнинг меъёри, ҳажми, қанча ташланиши, қайси вақтда бу ўтдан фойдаланса балиққа тез таъсир қилиши, балиқнинг маст бўлиш вақти ҳал этувчи омилдир.

Бобур бу масалаларга ойдинлик киритиб, шу даражада тасвирлайдики, умрида балиқчилик қилмаган киши ҳам китобни ўқиб, балиқчи бўлиши мумкин: «яна куз маҳалларидакким, қулон қуйруғи деган ўт чиқиб, камолга етиб, гул қилиб, дона боғлаб, бу қулон қуйруғидан ўн, ўн икки пуштвора, яна кўк шибоқдин (балиқ овлаш учун иккинчи восита ҳақида гап кетмоқда) йигирма-ўттиз пуштвора сув бошига келтуруб (ўт ўсадиган жойнинг ўзида эмас), янчиб, сувга солурлар, солғон замонкўк сувга кириб (кечиктирмасдан) маст бўлгон балиқни тута киришурлар».

«Бобурнома»да турли қушларни овлаш жараёни ҳам жуда кенг ва чиройли тасвирланган. Бунда ҳам Бобурнинг фасиҳбаёнлиги, қушчиларнинг ўзларига хос услуби, маҳорати жозибали берилган. Балиқ ови тасвирида бўлгани сингари бу гал ҳам Бобур энг асосий жиҳатларга кўпроқ эътибор берган. Нижровдаги қуш ови усулининг тасвирини олиб кўрайлик. Овчининг пистирмаси кўталнинг чиқиш жойида тошдан вақтинча омонат ясалган. Бу тасвирдаги қуш ови оддий бўлиб, кўп жойда қўлланилади. Шунинг учун Бобур чуқур тафсилотларга берилмайди. Бироқ, бу усул қанчалик оддий бўлмасин, натижаси ижобийдир (қушлар ўзи тўрга киради):

«Нижров тавобидин Пичғон эли бу кўталда қалин қуш тутарлар. Кўталнинг чиқишида, ҳар ерда тошдин панохлар ясабтурлар. Қуш тутар кишилар бу панохларда ўлтуруб, тўрнинг бир учини беш-олти қари йироқроқ беркитурлар, тўрнинг бир тарафини ерда, тошқа бостирурлар. Яна бир тарафида тўрнинг ярмиқача уч-тўрт қари йиғоч боғлар. Ясаган панохнинг тушунларидин мунтазирдур. Қушлар ёвуқ келгач — ўқ тўрни кўтарурлар. Қушлар ўзи — ўқ тўрга кирар. Бу тадбир била ғалаба қуш тутарлар. Андоқ муболаға қилурларким, гоҳи андоқ қалин қуш тутарларким, бўғизларига фурсат бўлмас».

Бу ов ҳолатини Бобур зийраклик, диққат билан ҳар томонлама ўрганиб, ундан кейин асарига киритган. Тасвир ов деталларига ўта бой. Бундай тасвирни бериш учун кишининг ўзи овчиёзувчи бўлиши ёки бу иш билан ўта қизиқиши керак. Бунинг устига мазкур лаҳзаларни моҳирлик билан тасвирлаш Бобурнинг нозик услубини белгилаган.

«Бобурнома»да табиат манзаралари тасвири орқали жонли ва жонсиз мавжудот ҳақида ҳам маълумотга эга бўламиз. Бунда табиат, жамият ва борлиқни инъикос этишда Бобурнинг юксак поэтик маҳорати намоён бўлган. Инсон, табиат ва ҳайвонот оламидаги ҳодисаларни ўзаро алоқа ва бирликда ифодалаш Бобур тасвирларининг жонли ва қизиқарли бўлишини таъминлаган. Бу ҳол Бобурнинг ов манзараларида, айниқса, ёрқин ифодасини топган. Шу қатори бу тасвирлар инсон қудрати, ақл-заковати, яшашга интилишининг аниқ шарҳи сифатида ҳам биз учун қимматли. Умуман олганда, буларнинг барчаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адиб сифатидаги юксак маҳорати, ақл теранлиги ва синчковлигининг ёрқин исботи ҳамдир. Воқеий-илмий саргузашт асар бўлган «Бобурнома»да бадиий асарларга хос жиҳатларнинг ўрта асрларда намоён бўлиши ўрта асрлар ўзбек мумтоз насрининг хусусиятларидан бирини кўрсатади. Бунда Бобурга хос қисқа баёнлик, ҳодиса-воқеаларни реал, ҳаққоний тасвирда беришнинг ўша давр насрий асарларидан кўра бўртиб, ажралиб намоён бўлиши муаллифнинг ўзига хос, қайтарилмас услубини белгилайди.

■ **Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори**

SPORT

ОПА-УКАЛАР СИНОВГА ШАЙ

Аввал хабар берилганидек, Америка Қўшма Штатларининг Солт-Лейк-Сити шаҳрида бошланган қишки Олимпиада ўйинларида олти нафар спортчимиз иштирок этмоқда. Ҳозиргача фигурали учиш бўйича вакилларимиз Татьяна Малинина, Роман Скорняковлар яккалик, Наталья Понамарёва — Евгений Свиридовлар эса жуфтлик баҳсларида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ғазалкентлик опа-ука Элмира ва Комил Ўрумбоевлар тоғ чанғи спортининг слалом (тоғдан тез тушиш) тури бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Мамлакатимиз спорт делегацияси XIX қишки Олимпия ўйинларига жўнаб кетиши олдидан опа-ука спортчилар билан суҳбатлашгандик.

— Ўзбекистон шароитида спортнинг қишки турлари билан шуғулланиш осон эмас. Сизларда тоғ чанғи спортига қизиқиш қандай пайдо бўлган?

Элмира ЎРУМБОЕВА: *Биласиз, Ғазалкент шаҳри тоғ этагида жойлашган. Аммо шундай бўлса-да, болалигимизда тоққа кўп чиқмаганмиз. Эсимда, ўн ёшларда эдим. Қишки таътил чоғида Кавказда яшайдиган альпинист амаким Нурис Ўрумбоевникига меҳмонга бордик. Ўшанда у бизга биринчи марта чанғи учишни ўргатганди. Шу-шу спортнинг бу турига қизиқиб қолдик.*

Комил ЎРУМБОЕВ: *1986 йилдан чанғи спорти билан жиддий шуғулланиб бошладик. Бунда бизга республика терма жамоаси бош мураббийи, тажрибали спорт устаси Вячеслав Степанович Стенин яқиндан ёрдам берди. У киши бизнинг биринчи мураббийимиз.*

— Олимпиадага тайёргарлик жараёни қандай кечди?

Элмира: *Бу йил қишнинг илиқ келиши, қорнинг камлиги сабаб анча қийин бўлди. Машқ қилиш учун аслида 50-60 сантиметр қалинликда қор бўлиши керак. Бизда эса у бор-йўғи 30-35 см.ни ташкил этади. Лекин биз имкон қадар ҳаракат қилдик.*

Комил: *Қорнинг камлигидан бу йил трамплинда шуғулланишнинг иложи бўлмади.*

— Қўлга киритаётган ютуқларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсаларингиз.

Элмира: *Илк бор 1995 йили жаҳон чемпионати мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Ўша йили Туркияда ўтказилган халқаро турнирда 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Италия (1997 йил), АҚШ (1999), Австрия (2001) да ўтказилган мусобақаларда ҳам иштирок этиб, ўз тажрибамни оширдим.*



Комил: *Мен учун 1997 йил анча омадли келди. Эронда ўтказилган халқаро мусобақани муваффақиятли якунлаб, жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритдим. 1998 йили Японияниг Нагано шаҳрида ўтказилган XVIII Оқ Олимпиадада қатнашиб, 28-поғонага кўтарилдим. Юзга яқин иштирокчи орасида бу ёмон кўрсаткич эмасди.*

— Бошланажак баҳслар олдидан ўзларингизни қандай ҳис этаяпсизлар?

Элмира: *Жуда ҳаяжондамиз. Алберто Томба, Херман Майер, Соня Неф, Изолда Костнер, Аня Тирин каби кучли чанғичилари бўлган Италия, Швейцария, Австрия каби мамлакат спортчилари билан баҳслашиш, албатта, жиддий тайёргарликни талаб этади. Аммо биз ҳам қараб турмаймиз. Ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.*

Комил: *Мусобақада машҳур чанғичиларнинг иштирок этиши мени ташвишлантирмайди. Оддий қилиб айтганда, уларнинг салобатидан чўчимайман. Чунки, бундай нуфузли мусобақада илк бор қатнашаётганим йўқ. Солт-Лейк-Ситида яхши натижа кўрсатиш умидидаман.*

— Опа-ука Ўрумбоевларнинг Олимпиадага йўлланма олиши тасодифми, ёки?..

Элмира: *Биз илгари ҳам кўплаб мусобақаларда бирга иштирок этганмиз. Хусусан, 2000 йил Туркияда ўтказилган халқаро турнирда ғолиб бўлгандик. Комил эса ўшанда совриндорлар қаторидан жой олди. Тўплаган очколаримиз рейтингига кўра, иккаламиз ҳам Олимпиадада қатнашадиган бўлдик.*

Комил: *Йўқ. Бу тасодиф эмас. Шундай йирик мусобақада қатнашишни кўпдан орзу қилардик. Машаққатли меҳнатлар эвазига ниятимизга эришдик. Солт-Лейк-Ситида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун бор кучимизни ишга соламиз.*

Халқаро тоифадаги спорт усталари опа-ука Ўрумбоевлар 16-18 февраль кунлари мусобақаларда майдонга чиқишади. Улар ҳам руҳан, ҳам жисмонан курашга шай. Биз ҳамюртларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

■ **Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди**

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»ГА ТАЙЁРЛАНИБ

Апрель ойида Фарғонада ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» республика спорт мусобақаларига тайёргарлик кетмоқда. Фарғона туманидаги «Ёшларобод» ўйингоҳини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, асосий мусобақалар ўтадиган Фарғона шаҳридаги марказий ўйингоҳда ҳам янги ўриндиқлар ўрнатиш, кураш, бокс, оғир атлетика, ўқ отиш залларини таъмирлаш, замон талаблари асосида қайта қуриш ишлари амалга оширилябти. Ушбу мажмуа ишга туширилгач, у ўз бағрига 25 минг томошабинни сиғдира олади. Биргина шу ўйингоҳни тайёрлаш учун 2 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

■ **Алишер ИБОДИНОВ**

ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ

Қўнғирот тумани марказида ўлкашунослик музейининг очилиши ўзига хос воқеа бўлди. Музейга қўйилган 200 дан кўпроқ экспонатларда туманнинг ўтмиши, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ўз ифодасини топган. Давр қаҳрамонлари — туман саноати, транспорти, қурилиши, фан ва маданиятини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшганларнинг сиймолари қўйилган. Айниқса, туманнинг табиатини, ҳайвонот дунёсини, ер ости бойликларини акс эттирадиган экспонатлар томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

ФОТОҲАВАСКОРЛАР УЧУН ИЛК ҚЎЛЛАНМА

Шомурод Шарипов ранг-баранг мавзулардаги фотолавҳалари билан газетхонлар эътиборига тушган. У нафақат фотомухбир, балки ижодкор ҳам. Шомурод Шариповнинг «Сулаймон ота ҳангомалари», «Омонхона мўъжизалари», «Каҳлак эртаклари», «Юртимизнинг даҳо халоскори» каби китоблари нашр этилган. Унинг янги китоби — «Фотоҳаваскорлар учун қўлланма» «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида чоп этилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази нашрга тавсия этган.

Қўлланма мўъжазгина бўлсада, лекин фото оламини ўқиб, ўқиб олишга, унинг сиру асроридан хабардор бўлишга етарлича манба бўла олади. Китобнинг қимматли томони шундаки, у бизда фото соҳасида яратилган илк қўлланма ҳисобланади.

— Фотография ёрдамида, — дейди муаллиф, — беш, ўн йиллар ёки ундан ҳам илгари атрофимизда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, учрашувлар, фанда, коинотда, жамиятда юз берган оламшумул янгиликлар ҳақида батафсил тушунчага эга бўламиз.

Китобча дастлаб фотография тарихидан ҳикоя қилади. Фотоаппарат ва унинг қисмлари, суратга олиш, негатив билан ишлаш каби жараёнлар ҳам кенг ёритилган. Сурат ишқибозларига тушунарли бўлиш учун фотоаппаратнинг қисмларига бирма-бир тўхталган. Масалан, фотоаппаратлар асосан беш қисмдан иборат бўлади: камера, фотообъектив, затвор, равшанликка тўғрилаш механизми ва видоискатель. Ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Камера — фототасма ёки фотопластинкага ташқи ёруғликни ўтказмайдиган махсус қутича. Фотообъектив эса суратга олинаётган нарсанинг тасвирини фототасма ёки фотопластинканинг ёруғликка сезгир қатламига туширади ва ҳоказо.

Шунингдек, фотоҳаваскор фотоаппаратни сақлай билиши ва унинг қайси турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги борасида ҳам маслаҳатлар берилган.

Қисқаси, китоб фотоҳаваскорлар учун энг яқин кўмакчидир.

■ **Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, филология фанлари номзоди**

Халқаро Кураш ассоциацияси раҳбарияти Бутунжаҳон Курашни ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси Ҳабибулла Тожиевга акаси

Лутфулло ТОЖИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Сурхондарё вилояти бош бошқармаси жамоаси бош бошқарма бошлиғи Парда Чориевич Мадиевга волидаи муҳтарамаси

Ирис ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ПАРКЕНТ БОЗОРИ» ОАЖ акциядорлари диққатига!

«Паркент бозори» ОАЖнинг 2001 йил молиявий якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги мажлиси 2002 йил 18 март соат 15.00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Паркент бозори» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2001 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ҳақида.

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2002 йил 16 февраль ҳолатига кўра тузилади.

Акциядорлар 18 март соат 14.00 дан бошлаб рўйхатга олинади.

Манзил: Ҳамза тумани Паркент кўчаси. 74. «Паркент бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши

«Паркент бозори» ОАЖнинг 1.01.2002 йил ҳолидаги баланси

Моддалар номи	Сальдо	
	Актив	Пассив
Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	131452,0	
Капитал қўйилмалар	157592,0	
Ишлаб чиқариш заҳиралари	2589,0	
Олиб сотиладиган товарлар	1094,0	
Пул маблағлари	4881	
Дебиторлар	14084	
Ходимлар билан ҳисоблашишлар	267	
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	7712	
Бошқа дебиторлар	69536	
Устав капитали		92954,7
Резерв капитали		142196
Тақсимланмаган фойда		39712
Харидор ва буюртмачилар олган авансла		36000
Мол етказиб берувчилар		26168
Бюджет бўйича қарзлар		4451
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар		1209
Уюшма корхоналарига қарзлар		36928
Бошқа кредиторлар		9588,3
БАЛАНС	389207	389207

Баланс «Осиё Аудит» хулосасига биноан тасдиқланган.

Отделом Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг на основании протокола общего собрания акционеров ОАО «УЗБЕКГАЗСУВКУРИЛИШ» от 14.08.01 года и приказа Госкомимущества Республики Узбекистан от 27.11.01 года №395 к-ПО в проспект эмиссии ОАО «УЗБЕКГАЗСУВКУРИЛИШ» №15-14-1-1308 от 16.10.97 года внесены изменения и дополнения в следующем порядке:

Пункт 2.2 читать в следующей редакции:

Перераспределению пакета акций акционерного общества согласно постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 09.03.2001 года № 119.

Всего	Гос. доля	Доля трудового коллектива	Доля свободной продажи
100%	25%	10%	65%
142512 штук	35628 штук	14251 штук	92633 штук
142512000 сум	35628000 сум	14251000 сум	92633000 сум

Пакеты акций считать полностью размещенными. Настоящие изменения являются неотъемлемой частью проспекта эмиссии № 15-14-1-1308 от 16.10.97 года.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ ОАО

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Qo'chqor NORQOBIL

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1.00.

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA